

Аҳмад Лутфий

# САОДАТ АСРИ ҚИССАЛАРИ

*Оламларга порлади қўёш*

3-китоб

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон таржимаси

## БАДР ИНТИҚОМИ УЧУН ҚАСАМ

Абу Лаҳаб Маккада крлгаи, касаллиги туфайли Бадр жаиғига бора олмай, ўрнига бошка одамни ёллаб жўнатган эди. Кетганлар изидан кунлаб йўл пойлади. Зафар суюнчисини келтирадиган одамни кутди. Шундай хабар келса, юзига кайтадан кон югуриши, янги ҳаёт бошланиши аниқ. Бир купи келиб: «Ортиқ гам чекма, эй Абу Лаҳаб. Бағрингда ёнган оташни сўндирадиган натижага эришяпмиз. Мана, Муҳаммаднинг конли кўйлаги, мана, дўстларининг кесилган бошлари!» дейдиган хушхабарчига суюнчисига нималар бермасди, нималар!..

Бундай хабар уни такрор оёққа тургазиши, такрор сикҳатли кунларга қовуштириши мумкин эди. Кетганларнинг хар бири карвондаги молу мулкани кутқариш азми билан кетгани жонинибошини аямай урушади дегани эди. Эҳ имконини қилиб, Маккадан қочганларнинг ҳаёт дафтарларини ёпа билсалар эди, арзирли иш қилган бўлардилар. Қўшин кетганидан бир неча кун кейин Абу Суфён карвонини Маккага олиб келганида, Абу Лаҳабнинг меъдаси буланди. Яхшиликдан далолат эмасди бу ҳолат. Энди лашкар жангга кутилган даражада истак билан киришмайди. Чунки урушни зарур қилган энг катта сабаб ўртадан кўтарилган эди.

Карвоннинг келгани тўғрисида мужда берганларга жавобан:

— Жуда гўзал... демак, соғсаломат етиб келибдида!.. — деди. Аммо ичидан: «Келса ҳам, жанг тугаганидан кейин келса эди», деган кининди ўтди.

Қўшин йўлга чиққан кунлари чақнаган умиди ҳали тамомаи сўнмаган эди. Бунинг устига, уларнинг юриши давом этгани тўғрисидаги хабар юрагига бир миқдор сув сенди. Чиқмаган жондан умид. Бошларида кимсан Абу Жаҳл турибди, у одамни севинтирадиган натижага эришмасдан кўймайди, деган қаноат ила овунди.

Аммо бир куни... Ҳа, бир куни Ҳайсуман исмли биттаси катта мағлубият хабарини олиб келганини эшитгач, белидан зарба еган одамга ўхшаб қолди. Мажолсиз бир сасла кетма-кет болохонали сўкишлардан ўзини тия олмади. Ишонгиси келмагани билан бу шум хабар тобора ёйилиб бораётган эди. Абу Лаҳаб янада кенгроқ маълумот олишни хоҳларди. Хиёл энгилик сезган бир куни ўрнидан турди, укаси Аббоснинг уйига келди. Ўтирди.

У тинмай хансирар, аламини тўкибсоладиган одам ахтарар эди. Бу орада укаси Ҳориснинг ўгли Абу Суфён ҳам ўша ерга келиб қолди.

— Қани, воқеаларни бир тушунтирчи, жиян. Асл хабарлар сенда, — деди Абу Лаҳаб.

Абу Суфён жангга биринчи бўлиб Утба, Шайба ва Валид чиқишганини айтгач, амакисидан:

— Уларнинг қаршисига чиққанлар кимлар эканини биласанми? — деб сўради.

— Йўқ, — деб жавоб қилди Абу Лаҳаб.

— Тахмин этиб кўрчи кани?

Абу Лаҳаб «Жонимни қийнаб юбординг, мени толиқтирмасдан ўзинг айтакол», деяражадаги ҳолсиз бир сас ила:

— Қайдан биламан?.. Учта аҳмок чиккандирда чиккан бўлса, — деди.

Абу Суфён давом этди:

— Уларга қарши менинг укам Убайда, сенинг уканг Ҳамза ва амаким Абу Толибнинг ўгли Алилар чиқишди. Яккама-якка жанг бошланиб, орадан ҳеч қанча ўтмасдан бизникилар ер тишлашди. Улардан фақат Убайда яраланди, менимча, ҳозир ўлган бўлса ҳам керак.

Абу Лаҳабнинг хаёлидан: «Қошки лоақал биттага камайган бўлишса», деган ўй кечди, аммо ўзи бунга эътибор бермади. Абу Суфён сўзида давом этди:

— Аслида, амакижон, биз у ерга урушиш учун бор маган эдик. Урушмадик ҳам... Фақат уларга орқамизни ўгириб қочдик. Улар эса, кўнгиллари тусаганини қилишди — хоҳлаганларини ўлдиришди, хоҳлаганларини асир олишди. Бир қисмимиз қочиб кутулдик. Лекин бу масалада ҳеч кимга тил теккизиб ё кўрқокликда айблаб бўлмайди. Биз бир гуруҳ суворийларни кўрдик. Улар ер билан осмон ўртасида эди. Отларининг оёқлари ерга тегмасди. Валлоҳи, уларга қарши биз ҳеч нарса қила олмадик. Ҳеч ким ҳеч нарса қила олмасди ҳам.

Абу Суфён англатган воқеалардан Абу Лаҳабнинг елкалари чўкди, юзи буришди. Макка кўшиннинг маглубият билан қайтишини ҳатто тушида кўрса ҳам сабр этолмас эди. Ҳолбуки, ўзидан бир неча баробар оз бўлган мусулмонлардан енгилган, боз устига, Макканинг ҳамма кўзга кўринган кишилари ё ўлдирилган, ё асир этилган эди. Бу кўргуликлар Абу Лаҳабни ўлмасдан бурун ўлимга етаклагандай бўлди. Неча кунлардан буён хасталиги туфайли чеккан оғриқ ва изтироби бу эшитганлари билан икки баробар кучайди. Шу онда туяётган қайғудан холи бўлса эди, яна бир неча ой касал ётишга жондилидан рози бўларди.

Абу Суфён келтирган хабарни Аббоснинг хотини Уммул Фазл билан кули ҳам эшитиб туришарди. Уммул Фазл билан ўгли сал олдинроқ мусулмон бўлишган, кул ҳам Ислом динини қабул этган эди. Абу Суфён: «Минган отларининг оёқлари ерга тегмасди...» дея сўзларини тугатгани замон Аббоснинг кули ўзини тута олмай қолди, муштини тахтага уриб:

— Валлоҳи, улар малаклардир! — дея бақириб юборди.

Унинг севинчла бақириб юбориши шундоқ ҳам ёрилар ҳолга келиб турган Абу Лаҳабнинг юрагини баттар сикди. Қони қайнаган бу қизил соқолли одамнинг мушти газабдан шиддатли ҳаволаниб, кулнинг юзига келиб тушди. Кул нима бўлганини билмай қолди. Тўғрироғи, у ўзининг кул эканини, ҳатто жуда заиф, жуда ориқ эканини ҳам унутди. Кулнинг хур кишига огиз очишга ҳаққи йўқлигини билишига қарамай, Абу Лаҳабга ташланди. Бутун ҳирсикучи ўша куни бир ерга тўнланган Абу Лаҳаб уни бир силташда остига олди ва дўннослай бошлади.

Бу ишлар жуда тез содир бўлди. Абу Лаҳаб ҳамон таниратупур мушт соларди. Уммул Фазл бу можаронинг шунчаки бир томошабини бўлиб қолмади, қўлига илинган бир таёқни олиб, Абу Лаҳабнинг бошига туширди. Нима бўлганини билмай қолган Абу Лаҳаб жон аччигида кулни қўйиб юбориб, ўрнидан тура бошлади. Шунда Уммул Фазл:

— Хўжайини йўқлигида уни эгасиз деб ўйладингми?! — дея ҳайқирди.

Абу Лаҳабнинг боши ёрилган эди. Оқаётган қон қизил соқолидан настга инарди. Кин ва адоват тўла нигоҳла бирикки сония Уммул Фазлга қараб турдида, сўнгра бир огиз сўз демай, уйига йўл олди.

Бутун ғурури оёқ ости қилинган эди. Абдулмутталибнинг ўгли, Қурайшнинг нешволаридан, бой бир одам бўлатуриб, битта кулни деб хотин кишидан таёқ еб қайтадимиди укасининг уйдан? Бундай муносабатга қандай дош беради?..

Уйига етиб остонадан ўтаркаи: «Шубҳасиз, бу ҳам Муҳаммад бошимизга солган балолардан бири», дея хаёлидан кечирди.

Алаmidан ёрилай деди. Неча йиллардан бери кечасини кундузга улаб очган бу мужодалани

шу таҳлит бир маглубиятла ёпиши мумкинлиги етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Заиф деб билгани, атрофига карокчилар галасини тўплайпти деб ўйлагани Муҳаммад аста-секин куч йиккан, улкаи Арабистоиниинг энг пешқадам кабиласи бўлган Қурайшни бир мушт ила паришон қилган эди.

Қачонлардан буён энди илк марта вужудида бир куч сезиб, гайрат қилган эди, аммо уйига попуги анча пасайиб қайтди. Яна ётогига кириб, аввалгидек инқиллай бошлади. Лекин энди бу инқиллашлари фақат хасталиклардангина эмасди. Тортилган маглубиятнинг, бир кул туфайли хотин кишидан еган таёгининг ва оёқ ости қилинган обрўйининг ҳам ингроклари бор эди уларда.

Эҳ... қани энди у кунлар! Хотини Умму Жамил билан бирга ҳар купи Муҳаммаднинг эшиги тагига тиканларни ва ифлос нарсаларни ташлаб юрган Абу Лаҳаб қаерда қолди?! Ҳозир устига кўрпасини ёпиб олишгада ожиз қолган, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан маглуб бўлган Абу Лаҳаб билан у кунларнинг тенгсиз Абу Лаҳаби орасида қорли тоғлар пайдо бўлганини гапириб ўтиришга хожат борми? Қани энди бир кунга... ҳа, бир кунгинага Ясрибга бора олса, яна унинг эшиги тагига қўлига тушган барча ифлос нарсаларни, ботганда захри жондан ўтадиган даражадаги тиканларни ҳам ташлай олса... Ҳеч бўлмаса, лоақал бир мартагина бор нафратию адоватини қўшиб, юзига бакирибчақира олса, юрагини нортлатадиган даражада тўлган душманлик ҳисларини бир карра бўлсин тўкиб сола билса...

Хуллас, ўшандагина бу дунёдан беармон кетади Абу Лаҳаб! Ўшанда «ҳаётининг асосий кунини» яшаяжак, «Мен ҳам энди яшаган ҳисобланаман», дея тўшагида роҳат ила жон беражак.

Эски... кўн эски кунлар келди ҳаёлига. Бир замонлар «Менга ёрдамчи бўла оладиган ўнта ўглим бўлсайди, бирини қурбон қилар эдим», дея қасам ичган Абдулмутталиб, кейинроқ қуръа ташлаб аниқланган қурбон, яъни, иниси Абдуллоҳ... бир-бир кўз олдидан кечишди. Ўшанда Абдуллоҳ қурбон қилинганида, ҳозир Муҳаммад балосига ҳеч ким йўликмаган бўларди. Ҳазрати қайнади, бирдан кўнирди:

— Одамларга ақл улашилганида сен қаерда эдинг, думбул?! — деб юборди. Тупурмоқчи бўлди, лекин ҳоли етмай, тупуги соқолдан нари ўтмади. Гўё бу сўзлари ва бу тупуги билан отаси Абдулмутталибни айблар, Абдуллоҳни қурбон қилмагани ва бошларига бундай бир балони қолдиргани учун жиянидан ололмаган интиком аламини унинг хотирасидан олишга ҳаракат қилар эди.

\* \* \*

Рамазон ойининг чикишига икки кун қолганида жаноби Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) бир суҳбат қурдилар ва унда фитр садақаси ҳақида маълумот бердилар. Рамазондан кейин келадиган шаввол ойининг илк кунини Оллоҳ таоло мўминларга байрам қилиб берганини, у кун ейишичиш ва маза килиш куни эканини, у кунда фақирларни хурсанд этиш учун каттакичик, эркакаёл, озод ёки кул ҳар ким киши бошига бир кунлик емак таркатишини ва бу ишни ҳайит намозини ўқимасдан олдин адо этиши лозимлигини сўзладилар. Бериладиган нарса хурмо, бугдой, арна, майиз каби кундалик емишлардан иборат эди. Сўзнинг мазмуни бир жумлада жамланарди, яъни: фақирларни у куни оч юришдан қутқаринглар.

Жаноби Расулуллоҳ ҳайит куни бомдод намозидан кейин ҳайит намози ўқиладиган жойга тўнланишни, балогат ёшидаги эркак ва хотинларнинг ҳозир бўлишларини амр этдилар. Бундан ой кўрган аёлларгина мустасно қилинди: улар намоз ўқимайдилар, бир чеккада турадилар.

Жанобимиз ҳайит тонгида бомдод намозини масжидда ўқидилар. Кейин Мадинанинг шарқий томонида жойлашган майдонга келдилар. Бу ерга эркак-хотин барча мусулмонлар тўнланишган эди.

Уларга ҳайитга алоқадор сўзларни айтдилар. Вазифаларини тушунтирдилар. Сўнг азонсиз ва икоматсиз икки ракат намоз ўқишди. Намознинг ҳар ракатида уч мартадан кўшимча такбир айтдилар, ҳайит намозининг хутбаси сифатида бир суҳбат қилмоқчи эканларини билдирдилар.

— Истаганлар хутбанн тингласин, истаганлар кетсин, — дея марҳамат килдилар.

Сухбатни Оллоҳга ҳамду сано айтиш билан бошладилар. Олд каторларда ҳар қачонгидек эркаклар туришарди. Хотинлар ҳам овозни эшитсинлар учун катор оралаб, уларга яқин келдилар. Билол ҳам ёнларида эди. Бир кўллари билан Билолнинг кўлидан ушлаган ҳолда уларга ҳам насиҳат килдилар. Сухбат орасида мана бу ояти каримани<sup>1</sup> ўқидилар:

«Эй Пайгамбар, қачон сизнинг олдингизга мўминлар келишиб, сизга ўзларининг Оллоҳга бирон нарсани шерик қилмасликларига, ўғрилик қилмасликларига, зино қилмасликларига, (камбагаллик ёки шарманда бўлишдан кўркиб) ўз болаларини ўлдирмасликларига ва кўлоёқлари ўртасида тўкиб оладиган бўхтонни қилмасликларига (яъни, фарзандсизлик сабабли эрларидан ажралиб қолмаслик учун бирон ташландик болани топиб, гўё у кўлоёқлари ўртасидан чиккандек, яъни, ўзлари туккандек эрларига: «Мана шу бола сендан бўлди», деб бўхтон қилмасликка) ҳамда бирон яхши ишда Сизга итоатсизлик қилмасликларига қасамёд этсалар, Сиз уларнинг қасамёдларини қабул қилинг ва улар учун Оллоҳдан магфират сўранг! Албатта, Оллоҳ магфиратли, меҳрибондир» (Мумтахана сураси 12-оят.)

Бу оятларни ўқиганларидан сўнг, хотинлардан:

— Сизлар шу ҳолатда бўлишга сўз берасизлар ми? — дея сўрадилар.

Ичкаридан бир хотин оёққа қалқди.

— Ҳа, эй Оллоҳнинг пайгамбари, сўз берамиз, деди.

— У ҳолда садақа беринглар. Чунки сизларнинг кўпларингиз жаҳаннамнинг ўтинларисиз.

Бу дафъа қирмизига тортиб кетадиган қора юзли хотин ўрнидан турди:

Нима учун бундай, эй Оллоҳнинг пайгамбари? деб сўради.

— Чунки сизлар ҳолларингиздан кўп шикоят қила сизлар, эрларингизнинг ҳаққини инкор этасизлар, сиз ларга доим яхшилик қилиб келган бўлишсада, биттагина арзимас ёмонлик кўрсаларингиз, «Мен сендан нима яхшилик кўрдим?» дейсизлар.

Бу орада хотинлар кўлларида борини садақа қилиб бера бошлашди. Ким бармогидаги узугини, ким кўлидаги билагузугини, яна ким кулогидаги исиргасини чиқариб, Ҳазрати Билолнинг этагига ташлар эди. Ҳазрати Билол эса:

— Отам-онам сизларга қурбон бўлсин, келтиринг лар, деб турди.

Шу билан байрам тугади, одамлар тарқалишди. Набийи акрам жанобимиз бошқа йўлдан қайтдилар. Ҳайитга келаётиб, рўзадор эмасликларини билдириш учун, бир нималар еб олганлари ҳам маълум бўлди.

\* \* \*

Абу Лаҳаб Уммул Фазлдан еган таёгининг аламида ётиб олганидан кейин бир марта ҳам белини кўтармади. Кунлар ўтган сайин тузалиб кетиш умиди тобора сўниб борарди. Баданига тарикдектарикдек тошма тошиб кетди. Озайиш ўрнига кўнайиб борадиган, кўнайган сари кетидан чидаб бўлмас оғриқларни келтирадиган бу хасталикни араблар «одаса» хасталиги дейдилар. Қизамик деб тушунса ҳам бўлади. Эҳтимол, бу тошмалар ичини тўлдирган азобларнинг учларидир.

Тошмалар аввал сув олди, кейин йиринглаб кетди. Абу Лаҳабнинг вужуди ҳали у ўлмади туриб сасий бошлади. Шу қадарки, фарзандлари ҳам унинг баданига қўл теккиза олмай, ҳидидан яқинига йўлай билмай қолишди.

Тошма тошганининг еттинчи куни эди. Абу Лаҳабнинг кўзлари бирдан каттакатта очилиб кетди. Каршисида шу дамгача ҳеч кўрмаган, ҳеч бир инсон қарай олмайдиган даражада кўрқинчли ва баҳайбат маҳлуклар турарди. Ҳолбуки, бир сония аввал бу ерда улардан асар ҳам

<sup>1</sup> *Муҳим эслатма:* Китобнинг қаерида бўлмасин «вахий келди», «оят тушди», «ушбу оят», «Қуръоннинг балоғатли ифодаси» дейилар экан, мутлақо Қуръони каримнинг, оятларнинг асли тушунилсин. Бу китобда оятларнинг маъно таржималари берилмапти, холос. Таржима Қуръон бўла олмайди. (Таржимон.) Оятларнинг маъно таржималари шайх Алоуддин Мансурга оиддир.

йўқ эди. Унгидаи, чаидаи, олдидаи, ортидаи куршаб олишди. Биттасиии бир марта кўрган одамийи ақлдан озиши турган гап эди. Каердан келди булар, ичкарига қандай кирди? Бу ерда уларнинг нима ишлари бор? Буларни на сўрашнинг имкони бор, на уни англашга вақт...

—Сенинг ифлос ва мурдор жонингни жаҳаннамга элтиш учун келдик, кара...

«Кутурган» калимаси ҳам тўла ифода эта олмайдиган ҳолатда Абу Лаҳаб бир оташ денгизини, бир олов денгизини кўрди. Чекичегараси бўлмаган бу оташ ва олов денгизи ёлғиз ўзи учун ҳозирланганини ҳис қилди. Бу орада жияни «Оллоҳ каломидир» деб ўкиган сўзлар хотирига келди: «Абу Лаҳабнинг қўллари қурисин, ҳалок бўлсин! (Аниқки) у қуриди — ҳалок бўлди! Молмулки ва касб қилиб топган нарсалари унга асқотмади. Яқинда у ва унинг ўтин орқалаган, бўйнида пишиқ толадан эшилган арқон бўлган хотини (ловуллаб турган) алангали дўзахга қиражак!» Бу сура қулоқлари остида яна бир бор ўқилгандай бўлди.

Ҳозирга қадар суяниб келган бойлиги бу оташ денгизига нисбатан ҳеч нарса эди. Ҳатто катта Макка шаҳри ҳам тоғларию водийлари билан бирга бу олов денгизи қаршисида тирноқдек жой олмасди.

«Нима?! Бу ерга мен қираманми?.. Янглишянсизлар, мен Абдулмутталибнинг ўгли Абу Лаҳабман... Адашаётган бўлманглар тагин...» дея олмади.

Зотан, бундай дегизиб қўядиган сиёқлари йўқ эди ҳам. Бақиртирабақиртира, турлитуман қийноқлар ила руҳини жасаидан айирдилар. Шу онда сассик вужуди ҳаракатдан тўхтади. Руҳи эса, унга берилган буюк бир фурсатни кадрламаганига минг пушаймонда эди. Оллоҳнинг расулига қарши юритган чиркни муҳолафатнинг жазосини тортгусидир.

Аслида, унинг бошига давлат қуши қўнган эди. Коинотнинг гул юзли сарвари унинг укасининг ўгли бўлиб тугилди, кўзлари ўнгида, ҳеч кимса қусур тонолмайдиган бир фазилат эгаси бўлиб улгайди. Унинг ҳар ҳолини билар, биронта бошқа кимса унингчалик яқиндан танимас эди. Аммо у бу неъматлардан фойдаланишни ўйламади, неъматни ўзидан қочирди.

Абу Лаҳабнинг ўлмасданок лош ҳолига келган жасади ўша куни уйда қолди, қўмилмади. Иккинчи кун ўгиллари уни кўммоччи бўлишди, аммо жасад яқинига йўлаб бўлмайдиган даражада бир ҳид тарқатардики, яқинлашган кимсанинг димогини адои тамом қиларди. Шунинг учун у куни ҳам кўма олишмади. Сассик ҳид энди бутун маҳаллага таҳдид сола бошлади. Халқ Абу Лаҳабнинг ўгилларини ўртага олди:

— Бир отангизни кўмишга қурбингиз етмайдами? Афсуслар бўлсин сизларга! — дейишди қўниқўшнилари.

— Биз ундан бирор хасталик юкиб қолмасин деб кўрқяпмиз, — дея жавоб қилишди ўгиллари.

— Бундай ташлаб қўйсаларинг, бутун маҳаллага ёйи ладику у хасталик...

Кейинроқ пул бериб, одам ёлландида, узоқдан туриб устига сув сениб ювилди ва Макканинг юқори тарафига қўмилди. Ислоннинг, хоссатан Жаноби Расулуллоҳнинг ашаддий душманларидан бири шу тахлит майдондан даф бўлди.

\* \* \*

Бадрдаги мағлубият бутун Макка халқини шиддатли бир зилзила каби қалқитиб юборди. Жангга қатнашган ҳамма улуглар ё ўлдирилган, ё асир олинган эди. Фарёд ва фиғонлар қўққа ўрлади. Бу ҳолат Абу Суфёнга ёкмади. Ўрнидан турди ва Масжиди Ҳарамга тўнланган халққа хитоб этиб, бундай деди:

— Ўлган яқинларингизга йигламанг. Уларга марсия айтманг. Мабодо йигласангиз, Муҳаммадга ва унинг шерикларига нисбатан туйган кин ва адоват ҳисларингиз енгиллашиб қолади. Ҳам уларни хурсанд этган, ўзларингизни уларга масҳара қилдирган бўласиз. Токи улар билан тўқнашиб интиқомимизни олмагунимизга қадар хушбўйлар суртиш ва хотинларингиз билан бирга ётишни ўзларингизга ҳаром қилишингиз лозим. — Кейин ўзи то Бадрнинг

интикомини олмагунича ювинмасликка халқ олдида қасам ичди.

Абу Суфённинг бу хитоби ва харакати у ердагиларга таъсир этди. Тижоратга акли етадиган баъзилари эса: «Ортиқча дардли кўринадиган бўлсак, Мухаммад ва унинг асҳоби биздан мўл-мўл пул ундириб қолишнинг пайнга тушади», дейишди.

Кимлари онгли равишда, кимлари унингбуннинг айбсителидан андиша қилиб, бу тавсияни қабул этган бўлишди.

Абу Суфённинг хотини Ҳинд машхур Утба ибн Робианинг қизи эди. Бадрда яқинларидан энг кўп киши ўлган одам шу аёл бўлди. Ўгли Ҳанзала, отаси Утба, жияни Валид ва амакиси Шайба ўлдирилган, бошқа ўгли Амр асир олинган... Бу воқеаларни эшитган заҳоти эҳшўшини йўқотди, аммо кўзидан бир томчи ҳам ёш чиқармади.

— Сен ҳам йигламаяпсанми, эй Ҳинд? — деб сўрашди.

— Йигидан фойда борлигини билганимда, тўхтамасдан йиглар эдим. Улар орасидан ҳам энг севимлилари ўлдирилганини кўрмагунича қайғум асло сўнмайди, — деди ва оташ сачратиб турган кўзларига уйғун бир овозда қўшимча қилди: — Қасам ичаман, отамни ва амакимни ўлдирган Ҳамзанинг жигарини суғуриб оламанди, тишларимнинг орасига олиб чайнайман! Қасам ичаман... қасам ичаман!..

Макка аҳлининг қарорига қийинчилик билан бўлса ҳам амал қилинар, ҳеч кимнинг кўзидан ёш чиқмас эди. Фақат кекса ва кўзлари кўр Асвад ёнига қулини олиб ора-сира шаҳар ташига чиқиб туришида бир сир бормийўқлигини негадир ҳеч ким ўйлаб кўрмасди.

Ҳақиқатдан ҳам, Асвад икки куннингбирида Макка ташига чиқар, ўгли Замъа билан Оқийлнинг, невараси Ҳориснинг хотираларини эслатадиган водийларга борар, у ерда босиббосиб, ўлгудай маст бўлгунча ичар, армони борича йиглар ва орада қулига:

— Бу ишимни ҳеч ким кўрмасин, эшитмасин, — деб кўяр эди.

\* \* \*

Машхур шоир Умайя ибн Абу Салт бир вақтлар ҳақ динни ахтарган, бу йўлда гўзал шеърлар битган бир одам эди. Тоза, дуруст фикрлари билан бир қаторда, пайгамбарлик менга берилади, деган бир қаноати ҳам бор эди.

Ҳиро горида нубувват муждаси Жаноби Расулуллоҳга (с.а.в.) берилиши Умайя ибн Абу Салтда ҳасад туйғулари кўпишига сабаб бўлди. Унга тегишли ҳақ ҳақсиз равишда бошқага берилгандай, энди Жаноби Расулуллоҳни роҳатсиз қиладиган шеърлар ёзиб, ҳасадини очик изҳор эта бошлади. Бирмунча вақт Тоифда яшади. Шом тарафларга қилинган бир саёҳатдан қайтишда йўли Бадрга тушди. Бу пайтда энди жанг тамом бўлган, мушрикларнинг устига тортилган тупроқ ҳали совиб улгурмаган эди.

Умайя дўстлари учун кўзёшлари тўқди. Ўша ерда айтган бир шеърида «Пайгамбар бўлганида, акраболарини бу ерда ўлдирармиди?» деган сўзлар бор эди.

Сўнгра туясини ҳайдаб, Тоифга йўл солди. Бундан кейин Умайя учун биргина сафар қолган эди. Охират сафари... Аммо у ерда роҳат топадими, яхши кутиб олинадимийўқми, буни билмасди.

Сўнги нафасини чиқарган вақтида ичидаги ҳасад ва куфрнинг жазосини бериш вазифаси билан келиб кутиб турган фаришталар жонини суғуришди ва олиб кетишди.

\* \* \*

Бу орада Мадинага асирлар учун белгиланган фидялар (товон пуллари) кела бошлади. Фидяси олинганлар озод қилиб юбориларди. Кўп қисми шу тариқа бўшатилади. Бир неча асир ансор болаларига ўқиш ёзишни ўргатиш шарти билан афу этилади. Афу эвазига ҳар бир асир ўнтадан болани ўқитиб бериши талаб қилинди.

Шоир Абу Азза пулсизбойликсиз одам эди. Унинг бутун бойлигини тилижагидангина пборат

эди, деб айтса бўлади. Ўзини кутқаришга ҳеч бир нарсаси йўқ. Аммо у ҳам ҳаётининг багишланишини истарди.

— Бизга қарши гап айтмасликка сўз бера оласанми? — деб сўрашди ундан.

Абу Азза бу таклифни севинч билан қабул этди:

— Ҳа, сўз бераман. Онт ичаман, сизларга қарши битта ҳам сўз демайман!

— Қани, унда кўнглинг тусаган жойга кетавер, дейишди.

Бу тарз осон кўйиб юборилган Абу Азза ҳаётга янгидан келган инсондек, шодхуррам Мадинадан чиқиб кетди. Кетаркан, Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) мардликларини, жўмардликларини васф қилувчи бир шеър ўқиб борарди.

\* \* \*

Абул Ос учун юборилган моллар ичида бир гардонлик чикди. Буни кўриб, бир жуфт кўз ёшга тўлди. Шундай бир кўзки, Улуг Мавло улардан ҳам қадрли бошқа бир кўз яратмагандир.

Бу воқеанинг шохидлари кўзёшнинг сабабини билмоқчи бўлишди:

— Сизни нима инжитди, ё Набийаллоҳ? — деб сўрашди.

Набийи акрам жанобимиз (с.а.в.) Абул Оснинг фидяси орасидан чиққан гардонликни кўрсатдилар. Бу нарсани қизлари Зайнаб жўнатганини, унга эса, севиқли завжалари Ҳадича (р.а.) сеп ўларок тақдим этганини айтиб бердилар. Йилларча аввал қилинган сеп ва келинлик либослари ичида нур юзли Зайнаб кўз ўнгиларига келди. Аёллар оламининг бош тожи Ҳазрати Ҳадича бу гардонликни ўз қўллари билан Зайнабнинг бўйнига тақиб турган ҳолатини эсладилар.

Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) кўзларини ёшлатган мана шу хотира эди.

— Рози бўлсаларингиз, Абул Оснинг фидясини қайтариб беринглар, — дедилар.

Кўнгил тўла самимиятла жавоб қилишди:

— Мингдан минг розимиз, ё Расулуллоҳ!

Бир неча кишининг огзидан бирдан чикди бу сўзлар. Ҳатто Абул Осни асир олган Абу Аййуб Ансорий ҳам шу сўзларни айтганлар орасида эди.

Абул Ос фидя олинмасдан кўйиб юборилаётгани, эвазига Зайнабни дарҳол Мадинага юбориши лозимлиги тушунтирилди. Бу таклифни Абул Ос қабул этди.

Отасига найгамбарлик вазифаси бериларберилмас Исломни қабул қилган Зайнабнинг бундан бу ёгига Абул Оснинг хотини бўлиб қолиши мумкин эмасди. Лекин Набийи акрам жанобимиз қийинкистовларга тўла ҳаётлари давомида уни ажратиб, ёнларига олиш имконини тонмаган эдилар.

Абул Ос мусулмон бўлиш таклифини қабул этмади. Келишувга биноан Зайнабни Йаъжаж водийида мўминлар қўлига тонширадиган бўлди.

Микраз ибн Ҳафс Сухайл ибн Амрни кутқаришга келган, лекин фидя олиб келмаган эди.

Унинг ўрнига мени ушлаб туринглар. Қарзини келтирмаса, ўрнига мени ўлдирасизлар, деди. Микразнинг бу таклифи қабул этилди. Айни чоқда, Ҳазрати Умарнинг (р.а.) ҳам бир таклифи бор эди. Вақтни ўтказмасдан, айтақолди:

Эй Оллоҳнинг расули, изн берсангиз, Сухайлнинг олд тишини суғуриб олай. Токи ганирганида тили ташқарига отилиб чиқиб, сизга қарши бирон нарса дея олмасин.

Сухайлнинг настки лаби тиртиқ эди, бу камлик қилганидай, тишлари ҳам суғуриб олинса, одамлар олдида бемалол ганира олмай, ҳар огиз очганида тили ташқарига чиқиб кетавериб, бировга бир ганни уқтиролмайдиган бўлиб қолиши турган ган эди.

Лекин Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиз бу таклифни қабул қилмадилар:

Ҳеч кимнинг танасига нуқсон етказмайман, эй Умар, дедилар. Жазосига Оллоҳ таоло менга ҳам айнан шундай қилишидан кўрқаман. Пайгамбар бўлсам ҳам, бунақа ишни қилишга ҳаққим йўқ. Лекин, эй Умар, бир куни у сен айбламайдиган, ҳатто мақтайдиган бир жойда

чиройли гапириб пайдо бўлишидан умид киламиз.

Тишларини суғуриб ташлаш таклифи тушганида совук тер тўка бошлаган Сухайл чуқур нафас олди. Фидясини топиб келиш ҳамда ўзининг ўрнига асирликда қолаётган Микразни кутқариш ниятида Мадинани тарк этди.

\* \* \*

Макка...

Бир хотин кишининг фарёди кўкларга юксалиб, Асвадни роҳатсиз қилди. Қулига буюрди:

Чиқиб қарачи, нимага йигляпти бу хотин?..

Қул сал ўтмай қайтиб кирди.

— Туясини йўқотган экан, шунга йигляпти, — деди. Асвад ўзини тутолмай колди:

— Демак, бу хотин бир туя учун кўзёши тўкяпти, уйқуларини йўқотяпти, шундайми? Айт унга: туясига эмас, Бадрда ўлдирилган раисларга йигласин... Билиб кўйинглар, улар ўлиб, айрим кимсалар иш бошига келди. Бадр жанги бўлмаганида, уларга раислик насиб қилармиди?..

Бу сўзлар билан у Абу Суфённи назарда тутарди. Айтмоқчи эдики, Абу Суфёнгача ҳам раисликка лойиқ кишилар топилар эди. Асвадни асил дардли қилган ҳам Бадрда ўлганлар учун йиглашнинг тақикланиши бўлди.

Ўша кеча Асвад тўйибтўйиб кўзёшлари тўкиб чикди. Унинг бу аҳволини кўрганлар Абу Суфённинг тақикини ҳам назарписанд қилмай, узок-узок йиглашди, марсиялар айтишди. Жаноби Расулulloҳ ва асҳоби ҳақида бўларбўлмас сўзлар сўйлашди. Бадр маглубиятининг интиқомини олмасдан тинч яшамаслик фикри ҳаммасини бирлаштириб турарди. Ёлгиз шоир Абу Азза жим эди. Марсия тўкигин, Муҳаммадга қарши сўзлар айтгин, деб таклиф этилганида:

— Мен ҳаётимни тилимни тийиб юриш эвазига кутқардим, — деб жавоб қиларди.

\* \* \*

Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) бошчиликларида Ислом лашкарининг Бадрда қозонган галабаси Мадинани остинустун қилиб юборди. Энди ўртада лоф эмас, балки ҳақиқий бир куч бор эди. Ҳижоз ўлкаларида буюк бир ном соҳиби бўлган, бутун қабилалардан устун бир кадрга эга Қурайшдек қабилани тормор этиш ҳазилакам ганми?

Бу зафар бир кун келиб Мадинада раис бўлиш ҳақки тўласича кўлига ўтишидан умид қилиб юрган Ибн Салул каби шахсларни шошириб кўйди. Кунданкунга заифлашиб бораётган обрўэтибор энди тамоман қўлдан чиқажагидан далолат эди бу зафар.

Атрофида сўзини тинглайдиган, уни катта санайдиган бир гуруҳ бор эди. Аммо унинг сони Мадина халқига нисбатан олганда бармоқ билан санарли даражада оз. Улар ҳали ҳам бутга тонинишар, ҳали ҳам эски динларига амал қилишар эди. Лекин бу бир ховуч киши билан ўртага отилиб, мўминларни майдондан сиқиб чикаришнинг иложи йўқ. Иккинчи томондан, илгаридан низолашиб юришгани яхудийлар олдига бориб, «Энди биз ҳам сизларданмиз», дея олишмайди. Энг яхши чора — кўнгилларига ўтиринқирамаган Ислом динини қабул этган каби кўриниб, ўзларига кафолат олиш бўлиб колди. Акс ҳолда, ишлар чанна кетиши, балки у она юртида яшай олмай қолиши ҳам тайин. Ҳолбуки, мусулмон бўлганини очиқчасига айтса, унчамунча эътибор тониши, ҳаётини изга тушириб олиши мумкин. Бу орада «найгамбар» дейишаётган одамни бирор найранг ишлатиб, адабини бериб кўйиш имкони ҳам тонилиб қолармиди.

Абдуллоҳ ибн Убайн бу каби ўйхаеллар оғушида, халқнинг кўзи олдида мусулмон бўлганини эълон этди, шаҳодат калималарини сўйлади.

Унинг Исломни қабул қилиши авваллари унга эътибор кўрсатиб келганларни севинтирди. Кечаги кунга қадар ичи кин ва нафратга, газабга тўла одам қандай қилиб мусулмон бўларкан?..

Ўзи каби ҳануз аросатда юрган одамлар унинг уйига келиб, зиёрат этишди ва:

— Бир ган эшитдик, шу тўғрими, эй Ибн Салул? — деб сўроқлашди.

— Нимани эшитдиларинг? Бирон ажабланарли иш бўнтими?

— Ҳаа, шуниси ортиқча, эй Ибн Салул. Буни ҳеч бўлмаса бизга айтма. Кечага қадар ҳам



Муҳаммадга ва одамларига оташ иуркаб келган сен эмасмидинг?

— Мен эдим.

— Эндичи?

— Энди янаям оташ пуркайман. Келганлар баттар хайрон бўлишди.

— Ҳеч нарса англамадик, — деди бири.

— Мендан бундан ортиқ сўз олмайсан ҳам. Абдуллоҳ ибн Убайй ибн Салул уларга шундай бир нигоҳ ташладики, гўё бу билан: «Англайдиган савияда эмассизлар», демокчи бўлди. Кейин шу ўйини сўзлар билан давом эттирди:

— Англашилмайдиган бир нарса йўқ. Сизлар Ибн Салул ҳам ўша аҳмоқлар йўлидан бориб, Муҳаммадга имон келтиражагига дарров ишониб кўяқолдингиз. Ҳолбуки, бу ишим уларга қарши бир хийладир, бир ўйиндир, янаям очикрок айтсам, алдовдир. Аммо бунинг учун сабрли бўлиш лозимлигига сизлар ҳам икрорсизлар, албатта.

Масала ойдинлашди. Ибн Салул калъани ичидан емириш йўлини танлагани маълум бўлди. Айрим шартлар остида бундан ақлли бир йўл тутиб бўлмасди ҳам. Ибн Салул ҳақиқатдан узокни кўрадиган одам эканини уларнинг назарида исбот этган эди.

Биттаданикитадан бўлиб бориб шаходат калималарини айтишга, уларнинг ёнида улардек бўлиб кўриниб юринна қарор берилди.

Шу кундан бошлаб Ибн Салул билан унинг дўстлари ҳам масжиддан жой олишди. Мусулмонлар олий девонда туриб Роббул Оламин ҳузурида саждага бош қўйганларида улар ҳам ётибтуришди. Кўзга ташланишга ҳаракат қилишар, ўзларини яхши мусулмон каби кўрсатишга зўр беришар эди. Аммо бир имкон тугилди дегунча мўминларга Расулуллоҳни (с.а.в.) кусурли кўрсатиб, уларни совутишдан ва Мадинада яна эски ҳаётни жонлантиришдан бошқа мақсад ва гоёлари йўқ эди.

\* \* \*

Она тарафидан яхудий бўлган машҳур шоир Каъб ибн Ашраф Бадра мушриклар йўликкан маглубият аламини жонжонидан туйганлардан эди. Ўзи таниган кўн инсонларнинг ўлдирилиши уни шундай гамга ботирган эди, нарибериси йўқ. Ким билади, маккаликларнинг қайғуси қай даража бўлса... Бориб уларни кўрмагунча, кўнгилҳол сўрамагунча, улар билан бирга айни дардни тотмагунча ичи чиқмаслигини англади. Тонглардан бирида туясига миниб, Мадинани тарк этди.

Бадр тунроқларига етганида юрагининг энг теран жойларидан чиққан лаънатларни ёғдирди. Ҳали қонлари ҳам қотиб улгурмаган дўстларини кўзёшлар билан ёдга олди. Ниҳоят, кунлаб юраюра, бир оқшом Макка кўчаларига кирди.

Каъб Маккада мусофир ҳисобланмасди. Уни мамнуниятла уйида меҳмон қилишга тайёр кўнлаб оилалар бор эди. Оллоҳнинг расулини қабул этмаган ва у зотни ҳижратга мажбур қилганларнинг кўнгли Каъб сингари кимсалар билан ҳузур тонарди, албатта.

Дарҳақиқат, у қора кунда ҳамдард бир дўст сифатида кутиб олинди. Макка мажлисларининг тўри унга берилди.

\* \* \*

Абул Ос Маккага келгач, хотини Зайнабга вазиятни тушунтирди.

— Сени жўнатаман деб отангга сўз бердим, ҳозирлигингни кўраверишинг мумкин, — деди.

Зайнабнинг Абул Осдан шикоятга йўқ эди. Ёқимтой, ақллихушли, ҳавас қилса арзигулик ахлоқли бир одам. Айни чоқда, қалби имон нурига ёпиқлигича қолди, отабобосидан ўтиб келган динини тарк этмади. Бу вазиятда бири мусулмон, бошқаси мушрик бўлган эр-хотин қандай бирга яшай олади? Колаверса, кўндан бери ҳеч ҳузур тонмагани Макка шахри, айниқса, Бадр жангидан кейин одамни бўғадиган, нафас олиб бўлмайдиган ҳолга келди. Отасининг яшаш ҳаққини тан олмаган бу шахар Зайнабга тамомила бир зиндонга айланди. Энди бу ерда унга кулиб қарайдиган бир чехра ахтариш, самимий бир дўст топиш ҳаёлига ҳам келмайдиган бир

иш эди. Шу сабабдаи эрииниг гаиини хушхабар ўларок қабул этди, зудлик билан ҳозирлик кўра бошлади.

Абу Суфённинг хотини Ҳинд келди.

— Отангнинг ёнига кетаётган эмишсан? — деди эшикка суянган кўйи.

— Бекор гап, — деб жавоб килди Зайнаб бир шумликни сезиб.

— Мендан яширишнинг ҳожати йўқ, қизим. Йўлда бирор заруратинг чиқиб қолса, тез таъмин қила оламан, эркакларга ҳеч лозим бўлмаган баъзи нарсаларга хотин киши эҳтиёж туйиши мумкин. Бу масалада мендан уялиб ўтирма.

— Ташаккур, зарур бўлса, айтарман, — деди Зайнаб.

Ҳинднинг овозида самимият манаман деб турарди. Ҳарҳолда Зайнабда шундай каноат ҳосил бўлди. Лекин барибир унга: «Ҳа, кетяпман», деб очикча айта олмади.

Ниҳоят, бир куни Абул Оснинг укаси Кинона уни туяга ўрнатилган бир маҳфага миндириб, йўлга чиқарди. Зайнаб ўша пайтда ҳомилали эди.

Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қизлари Мадинага отланганини эшитган Асваднинг ўгли Ҳаббор ёнига битта ўгрибезорини олиб, унинг орқасидан етиб келди. Кинона: «Нима қияпсан» дейишга ҳам улгурмай, найзасини маҳфага санчди. Маҳфа қаттиқ силкиниб кетди ва Ҳазрати Зайнаб ерга думалаб тушди. Тушаркан, каттагина бир тошга бориб урилди. Ҳаббор иккинчи дафъа ташланди. Аммо энди Кинона ўзини ўнглаб олган эди, унинг олдини тўсиб чикди.

— Олчоқ ҳариф, хотин кишига қўл кўтаргани уялмайсанми?! — деди.

Ҳаббор ҳам бўш келмади:

— Уни бу ердан соғ чикаришимизни умид қиянсанми сен? — деди пўписа қилиб.

— Сочидан бир туки тўкилишига ҳам йўл кўймайман!

— Отаси Бадра нима ишлар қилганини билмайсанми, эй Кинона?!

— Сизлар ҳам бориб ўша отасидан олинглар интиқомингизни!..

— Олажагимиз интиқомнинг илки буни ўлдириш бўлади..

Шундай дея Ҳаббор такрор хужум килди, лекин бу гал Кинона кўксини қалқон қилиб, тўхтатиб колди. Энди иккаласи олишиб кетишди. Ҳабборнинг орқасидан келганлар ҳам бор эди, улар ортдан таҳдид сола бошлашди. Кинона қараса, иш чаниасига кетаётибди.

— Бу ишни ўлгунимча охирига обораман. Токи тирик эканман, унга бирор зарар етказмайсанлар! — дея ҳайқирди.

Таҳдид жиддий эди. Кинонанинг боқишлари Ҳабборни хушёр тортирди. «Шуниси ҳам етар», дея қайтиб кетишга мажбур бўлди. Орқадан келганларнинг ичида Абу Суфён ибн Ҳориса ҳам бор эди. У:

— Нимага бунча жоҳиллик қиянсан, Кинона?.. Кун накундузи бу хотин йўлга чиқариладими, ахир? Муҳаммад билан орамизда ўтган гансўзларни билмайсанми?

— Хўн, нима қилайин?

— Ҳозир Маккага қайт, орадан бир неча кун ўтсин. Кейинроқ қоронгида, одамларга сездирмасдан олиб чиқиб кет, — деди Абу Суфён.

Кинонага бу таклиф маъқул келди. Қўркувдан титраб ўтирган Зайнаб наридан-бери тузатилган маҳфага қайтадан минди. Маккага қараб йўл олишди.

Буюк бир қувонч билан йўлга чиққан эди. Энди эса хаяжон ва кайғу ичида қайтиб борянти. Ёлғиз ўзим кетавераман, дея олмасди. Султони анбиёнинг қизлари, деб ким ҳам уни бошига кўтарарди? Ҳақиқатан, ундай қилишмади, аксинча, ўлдирмоқчи бўлишди.

Бир неча соат олдин энди ҳеч қачон қайтмаслик ниятида ташлаб чиқиб кетган уйига қайғу ва гамга ботиб қайта кириб келди. Устигаустак, бояги хужум натижасида қорнидаги боласи ҳам тушиб қолган, ҳозир ётсаю тин олса, бошқа ҳеч бир нарсани ўйлайдиган ҳолда эмас эди.

Бу орада Фаҳри коинот жанобимиздан йўлйўриқ олган икки киши Мадинадан Маккага қараб йўлга чиқди. Улардан бири Жаноби Пайгамбарнинг тутинган фарзандлари Зайд,

иккинчиси эса, ансорлардан бир зот эди. Таълимот бундай бўлди: Макка яқинида Йаъжаж водийига боришади, у ерда Ҳазрати Зайнабни кутишади, сўнг олиб кайтишади.

\* \* \*

Орадан бир неча кун ўтди. Зайнаб озмиқўпми хордигини чиқарди, ўзини такрор йўлга чиқишга тайёр ҳис қилди.

Кечалардан бирида, кўчаларда элнинг оёғи узилган паллада Абул Оснинг эшиги яна очилди. Аввал бир одамнинг сассиз шарпаси, кетидан туя чикди. Устидаги махфада Сарвари оламнинг (с.а.в.) севиқли қизлари Зайнаб ўтирарди.

Кимсасиз кўчаларда овоз чиқармасликка ҳаракат қилиб бориладди. Ниҳоят, Макка уйлари орқада қолди. Энди итларнинг ондасонда улишидан бошқа овоз эшитилмасди. Қуфрнинг ва ширкнинг тубан коронгулигида гафлат уйқусига толганлар бу дафъа Макка инжусининг шаҳардан чиқиб кетаётганини билмай қолаверишди.

Бирор балоқазо етмай, Йаъжаж водийига келишди. Кичкиналигидан бери бир уйда бирга улғайган, бир дастурхондан таом еб, бир кудувдан сув ичган Зайд яна бир шериги билан уларни кутиб турган экан, тонишди. Зайнабни Оллоҳнинг ва расулининг омонати ўларок қабул қилиб олишдида, Мадина сари йўлга равона бўлишди.

Маккаликлар учун Зайнаб бир душманнинг қизи эди, бинобарин, мушриклар унинг жонига суикасд қилиб, қасос олишлари мумкин — мана шундай ҳолда Маккани тарк этган Зайнаб энди турли иззат-икромга ва ҳурматга лойиқ бир инсон сифатида йўлини давом эттирди.

Узоқдан Мадина тоғлари кўзга ташланди. Бу нарса Султони анбиё ҳазратларига яқинлашганларининг муждаси эди. Зайнаб кушдай енгил бўлиб қолганини ҳис этди. Алхамдулиллоҳ, икки йилдан бери кўрмаган отасига энди етажак, чеккан бутун жабру жафоларини ота бағрига бош қўйиш ила унутажак. Қани энди туя янада тезроқ, янада илдамроқ юрса! Ҳали кўрмай туриб севиб қолгани бу шаҳарга бир он бўлсада илгарироқ кириб борса!

Мана, йўл ҳам охирлади. Бани Нажжор маҳалласида, отаси илк дафъа қўнган кўчаларда Зайнаб ҳам туясида тушди ва ўша атрофга қурилган хужраи саодатга шошилди. Кўзёшлар, ҳасрат ва севги туйғулари тўлибтошган бир қалб ила Султони анбиёга отилди. Лаблари факат:

— Отажоним, меҳрибоним... сизни шунчалар соғиндимки... — дея шивирлар эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) узоқ вақт айрилиқда қолган фарзандларини бағриларига босдилар. Таъриф этилмас бир ҳаяжон ила:

—Хуш келдинг, қизим, — дедилар.

\* \* \*

Ҳали ҳам асирларни қутқариш учун яқинлари келиб туришарди. Машхур Валид ибн Мугийранинг ўғли Валид ҳам асирлар орасида эди. Бир куни унинг икки акаси Холид билан Ҳишом уни қутқариш мақсадида Мадинага кириб келишди.

Валидга ўғай ака бўлгучи Ҳишом талаб этилган пулни бергиси келмади. Анча давом этган тортишувлардан кейин, ниҳоят, оталари Валид ибн Мугийранинг совутию қуролларини бериб, Валидни қутқаришди. Макка сари йўлга чиқишди. Мадинадан олтмиш чақирим юргач, Зулхулайфа деган жойга етиб қўнишди. Овқатланишди, хордиқ чиксин деб бир оз ухлашди.

Бир найт Валид аста ўрнидан турди. Ҳамроҳлари ухлаб ётганига ишонч ҳосил қилгач, келган изидан қайта бошлади. Кайдасан, Мадина, деб йўл олди.

Ака-укалар анчадан кейин уйғонишди. Ёнларида Валидни кўрмай, ҳожат билан бирон жойга ўтган бўлса керак, деган хаёлда хийла вақт кутиб ўтиришди, аммо дарак бўлмади.

— Маккага кетиб қолган бўлса керак, — деди Ҳишом.

— Нимага бизни ташлаб кетади? Бирга кетардик-ку?..

Бу орада Холид Маккага эмас, Мадинага қараб кетган изларни кўриб қолди.

— Валид яна Ясрибга қайтган бўлмасин, Ҳишом? — деди ажабланиб.

— Валлоҳи, нима деяримни ҳам билмай қолдим.

Аммо у ёкка нега кетади? Ахир, ўзи ўша ёкдан келянимизку?!

Холид бир неча сония ўйланиб турдида: Валид Ясрибга яширинча бориб, у ерда бир-иккитасини ўлдириб келмокчидир балки?

Шу фикр ақлга тўғри келарди. Аммо энди ўзлари нима килишади? Мадинага қайтиб бориб, уни изласинларми? Унда Валид хакикатан халигидай иш қилган бўлса, қўлга тушиб, ўлиб кетишлари турган гап. Хўш, нима килишсин?

— Бу аҳволда Маккага ҳам бормайлик, эй Ҳишом. Бориб: «Валидни ҳам қутқардик, ҳам қутқармадик», дейиш менга огир келади, — деди Холид.

— Унинг устига, отамизнинг совути билан куролини бериб қўйганмиз... — дея қувватлади Ҳишом.

— Қани, коринни бир тўйгазиб олайликчи, унгача ақл ҳам кириб қолар.

Овқатланиб бўлишгач, Холид биродарига ўтирилди:

— Менинг қарорим Ясрибга яна бир марта бориш, нима бўлганбўлмаганини ўрганишдир. Ақдлли, «Валид қани?» деб сўраганларга тузуккурук жавоб бериш имконига эга бўламизку, сен нима дейсан?

— Лот ҳаққи, мен ҳам айна шундай фикрдаман, эй Холид. Қани, кетдикми?

Ясрибга йўл олинди. Соатларча юрилгач, Ясриб хурмозорлари кўзга ташланди. Тўғри Бани Нажжор маҳалласига келиб тушишди. Жаноби Расулуллоҳни (с.а.в.) топиб, вазиятни тушунтирмакчи бўлишди. Бошқа бирортасига масала очилса ёки Валид бирон кор-ҳол қилиб қўйган бўлса, унинг ўрнига буларга жазо беришлари мумкин.

Масжид олдида туяларидан тушишга хозирланишаркан, Холид кўзларини каттакатта очиб, тўпланиб ўтирганларга боқди.

— Мен кўраётганимни сен ҳам кўраяпсанми, Ҳишом?-деди шивирлаб.

— Ҳа, — деди Ҳишом ҳам галати бир овозда, — кўрганимдан кўрмаганим яхши эди.

Валид масжид олдидаги ўша одамлар орасида, улар билан гаплашиб ўтирарди.

— Хўш, нимага келдинг бу ерга? — деб сўрашди акаука ундан.

— Кўриб турибсизларку, дўстларим билан гаплашиб ўтирибман, — деб жавоб килди Валид.

— Хўп, майли, аммо нега қайтиб келдинг?

— Мусулмон бўлиш учун.

— Озгина нарироққа борсак бўладими?

Валид ўрнидан турди, биргалашиб сал нари ўтишди. Бир чеккага бориб, Холид аста сўради:

— Жиддий ганирянсанми, Валид?

— Жиддий бўлмаса, атай қайтиб келармидим. Бирдан Холиднинг жигибийрони чиқди.

— Аҳмоқ! Мусулмон бўлиш ниятинг бор экан, нимага бизларни бу ерга келтирдинг, нега ўзингни қутқариш учун отамиздан қолган азиз ёдгорликдан айрилишимизга сабаб бўлдинг?.. Оилада уни қандай кадрлашимизни ўзинг ҳам жуда яхши билардингку!

— Мен Қурайшнинг: «Валид бадал пулини тўлашдан қочиб мусулмон бўлди», дейишини истамадим. Ҳар ким каби менга ҳам фидя тўлансин, кейин келиб ўз хоҳишим билан мусулмон бўлганимни айтай, деб орзу қилдим.

— Хўн, энди нима қиласан?

— Энди бу ерда қоламан, ҳаётим бу ерда давом этади — қарорим шу.

— Ундай қилма, — деди Холид, — хозир сен биз билан бирга Маккага бор. Сени озод этганимизни, сог-омон келтирганимизни одамлар кўрсин. Ўз истагинг билан мусулмон бўлганингни англаб ёки англабма. Шундан кейин хоҳлаган тарафинга кетавер. Ҳар ким бориб асирини қутқариб келди, аммо Валид ибн Мугийранинг ўгиллари бўш қўл билан қайтиб келишди, дейилиши бизга муносиб эмас. Йўқса, Зулхулайфада сени тонмаганнмиздан кейин

ўшанакаси кетиб қолган бўлар эдик.

Валидга бу фикр маъқул кўринди. Янги тоиган дўстлари билан хайрлашиб, йўлга чикди.

Маккага етгунча қор-қолсиз келишди. Лекин Маккага етиб келишдию иш ўзгарди. Валидни тутиб, ҳибсга ташлашди.

Шу тариқа Маккага ҳибс этилганларнинг сони Аййош ибн Робиа билан Салама ибн Ҳишомдан кейин учтага етди.

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) Валиднинг ҳийла билан Маккага олиб кетилганини ва у ерда қамаб қўйилганини эшитиб, хафа бўлдилар.

Бомдод намозларида рукудан ростланганларида: «Оллоҳим, Валид ибн Валидга, Салама ибн Ҳишомга, Аййош ибн Робиага ва сикув остида қолган бошқа заиф мўминларга нажот бер. Оллоҳим, Мудор қабиласига қийноқни кучайтир. Уларга Юсуф (а.с.) давридагидек қахатчилик бер. Сенга ва элчинга қарши бош кўтарган Лихйон, Рийл, Заквон ва Исайя қабилаларини лаънатла», дея дуо қила бошладилар.

\* \* \*

Жубайр ибн Мутъим яқинларидан баъзи кимсаларнинг фидясини олиб Мадинага келган эди. Расули ақрам (с.а.в.) Жубайрга иззат-икром кўрсатдилар.

Оқшомга яқинлашганда Жубайр масжиднинг бир бурчагида ухлаб қолди. Шом намозига келганлар у ерда бир мушрик ухлаб ётганини кўришди. Азон айтилди. Жаноби Расулуллоҳ намозни бошладилар, Жубайр қулогига чалинган тотли бир овоздан уйғониб кетди.

«Бас, (эй Мухаммад,) сиз (инсонларга Қуръон оятлари билан) нанднасихат қилаверинг! Чунки Парвардигорингизнинг неъматмарҳамати билан қохинфолбин ҳам, мажнун ҳам эмасдирсиз. Балки улар (мушриклар): «(Мухаммад) бир шоирдир. Бизлар унга замон ҳодисотбалолари (етиши)ни кутурмиз, дерлар?! Айтинг: «Кутаверинглар! Мен ҳам сизлар билан бирга кутувчиларданман (кўрамиз, балога ким йўлиқар экан)» (Тур, 29-31.)

Жубайр бу ўқилган оятлар латибликларига асир бўлиб қолди.

Жаноби Расулуллоҳ Оллоҳ ўзларига берган мустасно қобилият ила ўқир, ҳеч бир адиб эриша олмайдиган даражадаги илоҳий каломни қалбларга сингдирар эдилар. Жубайр ётган ерида бу илоҳий каломни тинглади, тинглади...

Мўминлар Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиз билан биргаликда рукуга кетишди, кетма-кет икки сажда қилишди ва такрор тик туришди. Жанобимиз яна овоз чиқариб ўқий бошладилар.

«Балки улар (сизни ҳалок қилиш учун) бирон ҳийланайранг қилмоқчидирлар?! У ҳолда ўша қофир бўлган кимсаларнинг ўзлари ҳийланайрангга гирифтор бўлурлар! Балки улар учун Оллоҳдан ўзга бирон «илоҳ» бордир?! Оллоҳ уларнинг ширкларидан нокдир! Агар улар (устларига уларни ҳалок қилиш учун) осмондан бир бўлакнарча тушаётганини кўрсалар (ўшанда ҳам имон келтирмаслар балки), «Бу тўнланган булутдир», дерлар. Бас, (эй Мухаммад,) Сиз уларни токи ўзлари ҳалок қилинадиган кунларига рўбарў бўлгунларича тарқ қилинг!

У кунда уларнинг ҳийланайранглари бирон фойда бермас ва уларга ёрдам ҳам берилмас! Албатта, золимоқфир бўлган кимсалар учун бундан (қиёмат кунидан) илгари (шу дунёда) ҳам азобуқубат(лар) бордир, лекин уларнинг кўнлари (буни) билмаслар. (Эй Мухаммад,) Сиз Парвардигорингизнинг ҳукмига сабр қилинг, зотан Сиз шакшубҳасиз Бизнинг кўз ўнгимизда (ҳифзу ҳимоямизда)дирсиз ва (тонгда уйқудан) турган найтингизда Парвардигорингизга ҳамду сано айтиш билан (У зотни барча айбнуқсондан) нокланг! Шунингдек, кечадан (бўлган соатларда) ва юлдузлар юз ўгириб кетгач (яъни, саҳар найтларида) ҳам У зотга тасбеҳ айтинг!» (Тур, 42-49).

Расулуллоҳ (с.а.в.) Тур сурасининг энг сўнгги оятини бу тариқа ўқигач, «Оллоҳу ақбар» деб рукуга эгилдилар. Мўминлар ҳам у зот билан бирга эгилишди...

Жубайр аввал Жаноби Расули ақрамнинг Қуръон тиловат қилганларини ё эшитмаган ва ё эшитишни истамаган. Бироқ ҳозир худди кўнгли йўғрилгандек, япанги бир руҳга соҳиб бўлган

эди.

Намоздан кейин Жаноби Расулulloҳнинг ёнларига борди. Асирлар хақида гаплашди. Сўз орасида Мутъим хотирланди. Шунда Расули акрам:

— Эй Жубайр, агар отанг Мутъим соғ бўлиб, манави сассиклар хақида илтимос билан келса эди, унинг юз хоотири учун ҳаммасини озод қилиб юборишим мумкин эди, — дедилар.

Жубайр бу кўришувдан мусулмон бўлмади, бироқ у ердан кетаркан, эшитгани Қуръон ила кўнгли кўкларда учганини ҳам инкор этмасди.

\* \* \*

Маккаликлар Каъб ибн Ашрафни бир ота кадрдон, қора кунларига ярайдиган бир дўст каби кутиб олишди. Бундай бўлмаганида, то Мадинадан чиқиб Маккагача атай таъзия билдириш учун келармиди! Боз устига, Муҳаммаднинг душманлари хузурига бориб, уларга қўл узатишнинг таҳликаси ҳам бор. Мадинада яшайдиган бир инсон сифатида Жаноби Расулulloҳни (с.а.в.) табриклаши, авеликларни, ҳазражликларни кутлаши лозим бўлгани холда, уларга қилич кўтарган инсонларни топиб келиш буюк бир жасорат намунаси эди.

Каъб қайси мажлисда иштироқ этса, хурмат-эътибор кўрди, уйларнинг тўрига чиқарилди. Хоссатан, «аҳли қолиб» номи берилган ўликлар хақида тўқиган марсиялари тилдан тилга ўтиб юрар, ҳар кадамда унинг шеърларини ўқиётган болаларни учратиш мумкин эди.

Айниқса, Абу Суфён мамнун эди. Ҳазилакам гапми: Мадинадан Каъб ибн Ашрафдай бир шоир келиб, мусулмонлар хақида ҳажвиялар айтиб турса! Дархақиқат, у Курайшнинг бутун туйғуларини шеърга солар, ўзи йиглар, ўзгаларнида йиглатар эди.

Бир куни суҳбатлашиб ўтирганларида, Абу Суфён уни хакамликка чорлади:

— Биз семизсемиз туяларни сўйиб, халққа тарқатадиган, мусофирларга иззат-икром кўрсатадиган кишилармиз. Кучсизларга ёрдам берамиз, улар бажара олмаган ишларни зиммамизга оламиз. Ҳажга келганларга емак-едирамиз, сув улашамиз. Акрабомизни ҳимоя қиламиз, хабар олиб турамиз...

Абу Суфён буларни айтаркан, ўзининг зикналигини тилга олишни истамади. Мазкур ҳоллар, умуман олганда, Курайшда борлигини биров инкор этолмайди, аммо...

Кейин Жаноби Пайгамбаримиздан сўз очди:

— Бизларнинг бирлигимизни бузди. Илоҳларимизга тил теккизди. Аклли кишиларимизни аҳмоқликда айблади. Ўгилни отадан айирди, — деди. Сўнгра асосий муддаога кўчди: — Сенингча, биз тўғри йўлдамизми ё Муҳаммадми?

Каъб ҳеч тарадудланмасдан жавоб берди:

— Албатта, уларга қараганда сизлар тўғри йўлдасизлар!

Бу жавоб Абу Суфённи хурсанд қилиб юборди. Эс-хуши жойида, сўзи-суҳбати жўяли, номи атрофда машхур бир шоир берган ҳукм тўғри бўлмаса, бундан тўғриси каердан тонилади?!

Каъб Маккада бу каби алаҳсирашлар билан ўзининг нафратини ифодалар экан, бу ёқда Жаброили амин Сарвари олам жанобимизга (с.а.в.) Қуръони каримнинг ушбу оятларини келтирди:

«Китобдан насибадор бўлган кимсаларнинг бут ва санамларга сигинаётганларини ҳамда кофир кимсалар хақида: «Ўшалар имон эгалари бўлган мусулмонлардан тўғрироқ йўлдалар», деяётганларини кўрмадингизми? Ўлар Оллоҳ лаънатлаган кимсалардир. Кимни Оллоҳ лаънатлар экан, бас, ҳеч қачон унинг учун бирон ёрдамчини тона олмайсиз» (Нисо, 51-52.)

Каъб ва бошқа мушрикларнинг Расулulloҳга ва дўстларига қарши айтган шеърларидан бир қисми Мадинага етиб келди. Мўминлар орасидан шеър айтишга қобилияти борлар бу ҳажвияларга жавоблар беришди. Каъб ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Равоҳа ва Ҳассан ибн Собит ўшандай шоирлардан эдилар. Ҳатто Ҳассан ибн Собит Жаноби Расулulloҳнинг (с.а.в.) амрлари ила шеърларини масжидда баралла ўқиган. Жанобимиз унга:

— Айт, айтавер, эй Ҳассан, Жаброил сенга мадад беряпти, — дея марҳамат қилганлар.  
Муслмон шонрлар ёзган бу шеърлар бир жиҳатдан душманга унинг ўз силоҳи ила жавоб бериш маъносини ифодалар эди.

\* \* \*

Икки киши Каъбанинг «Ҳижр» деб аталувчи пастак деворли қисмида узок шивирлашиб туришди. Ниҳоят, қўлларини сиқишиб хайрлашишди. Айрилишаркан, улар ўзаро аҳдларини яна бир бор такрорлашди:

— Сўз берасан, шундайми?

— Сўзим сўздор, эй Умайр. Сен Сафвонга бемалол суянишинг мумкин...

Бири тўппатўғри уйига борди, қиличини олиб, ўзи келтирган заҳарни тигига суркай бошлади. Энди бу қиличда одамнинг ҳар қандай жойидан кичкинагина бир яра очиш билан уни оппаосон ўлдириш мумкин эди. Хотини унинг ишларини тушунмади. Ўртада уруш йўқ, бинобарин, қиличга заҳар суртилишига ҳам бир сабаб мавжуд эмас эди.

— Нима қилганинг бу, эй Умайр? — деб сўради.

— Ҳозирча ҳеч нарса сўрамасанг, яхши бўларди, — деди эри жавоб ўрнига.

Хотин бошқа суриштирмади, эри ишини битирди.

Шом қоронгилиги тушгач, бир нечта хурмо тамадди қилган бўлдида, қиличини олди. Белбогига такди. Индамай ташқари чикдикетди...

\* \* \*

Мадина масжидида дўстлари билан суҳбат куриб ўтирган Ҳазрати Умар (р.а.) бир иш билан ташқарига чикди. Қараса, шу атрофга бир туя энди чўктирилаётган экан. Туя эгасини танигандай бўлди. Сал яқин борди, диққат билан боқди.

— Сен Умайр эмасмисан? — деб сўради.

— Ҳа, мен Умайрман.

Жин каби, шайтон каби бир одам сифатида машҳур эди у. Экмасдан ейман дейдиган, тегирмондан бутун чиқадиган одамлар тоифасидан эди.

Ҳазрати Умарнинг хаёлидан: «Бу одам яхшилик билан келмаганов», деган ўй ўтди. Ўша заҳоти ичкари қайтиб кирди.

— Ё Набийаллох, Умайр ибн Ваҳб келибди. Бу одам яхши ниятда келмайди, — деди.

— Уни бу ёққа олиб кир, — дедилар Расули ақрам.

Ҳазрати Умар, кейин кутилмаган бирор можаро чиқмасин тагин, дея Умайрни маҳкам ушлаб, ичкари олиб кирди.

— Нима сабабдан келдинг, эй Умайр?

— Ўғлимга бир яхшилик қилишларингизни илтимос қилиб келдим.

— Ёнингдаги қиличчи?

— Қилич бизга фойда бердимми?..

— Сафвон ибн Умайя билан Ҳижрда қилган аҳд хақида нима дейсан?

Умайр тили орқасига тортиб кетгандек бўлди.

— Қанақа аҳд? — деди зўрга.

Жаноби Расулуллох (с.а.в.) унга Сафвон билан ораларида кечган ўша келишувни ганириб бердилар:

— Сен Сафвон ибн Умайяга бундай дединг: «Бадрда бунчалик одамимиз ўлганидан кейин ортиқ яшашнинг қизиги қолмади. Қарздорман, аммо тўлашга ҳеч вақоим йўқ. Мендан кейин фарзандларим қийналмаганида эди, бориб Муҳаммадни ўлдирар эдим», дединг. Сафвон сенинг бу сўзларингга жавобан: «Агар сен бу ишни қилсанг, мен қарзингни ўтайман, болаларингга қараб тураман», деди. Шу тарз яширинданяширин келишиб олдиларингиз ва сен мени манави қилич билан ўлдиришниятида келгансан.

Умайр хайронлик ичра тинглар эди. Охирида эсини йигди ва деди: